

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

651 Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари-
ни бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санк-
цияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча
киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1842-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қо-
нуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги
ПҚ–872-сон «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривож-
лантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекис-
тон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 августдаги 249-сон
«Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни
экспорт қилишни тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мо-
лия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикасининг
Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 11 июлдаги 77, 2008-33-сон ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 26 июндаги 13-сон қарори (рўйхат рақами 1842, 2008 йил 15 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон, 337-модда) билан тасдиқланган Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги VII⁴ боб билан тўлдирилсин:

«VII⁴. Экспорт контрактларини суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта товони тўлаш муддатларини бузилганлик учун суғурталовчиларга қўлланиладиган жарима санкциялари

17⁴. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган экспорт контрактларини суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта товони тўлаш муддатларига суғурталовчи томонидан риоя қилинмаган тақдирда, суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,09 фоиз миқдоридagi жарима солинади.».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 21 декабрь,
108-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 21 декабрь,
2015-35-сон

**Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси**

Д. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 21 декабрь,
01/19-26/25-сон